

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
Қ А Р О Р И



ПОСТАНОВЛЕНИЕ
КАБИНЕТА МИНИСТРОВ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

4 январь 2018 й.г.

№ 6

Тошкент ш. – г. Ташкент

**Тошкент вилояти ҳокимлиги ҳузурида Тошкент вилоятини
ободонлаштириш ва фаровонлигини ошириш жамғармасини
ташkil этиш тўғрисида**

Тошкент вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича қабул қилинган дастурлар ижросини таъминлаш, вилоятнинг шаҳар ва туманлари инфратузилмасини такомиллаштириш, вилоят ҳудудларини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, шунингдек, аҳоли турмуш даражасини янада яхшилаш, уларнинг фаровонлигини таъминловчи кенг кўламли дастурларда белгиланган тадбирларни амалга оширишда кўшимча молиявий манбалардан самарали фойдаланиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Тошкент вилояти ҳокимлигининг Тошкент вилояти ҳокимлиги ҳузурида юридик шахс ташkil этмасдан Тошкент вилоятини ободонлаштириш ва фаровонлигини ошириш жамғармасини (кейинги ўринларда Жамғарма деб аталади) ташkil этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2. Қуйидагилар Жамғарма даромадларини шакллантириш манбалари этиб ҳисоблансин:

Тошкент вилояти ҳокимлиги ҳамда унинг муассислигида ташkil этилган хўжалик юритувчи субъектларнинг ажратмалари;

давлат, чет эл ва халқаро ташkilотлар томонидан ажратиладиган грантлар;

юридик ва жисмоний шахсларнинг хомийлик хайриялари;

халқаро молиявий институтлар ва банклар томонидан ажратиладиган кредитлар;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

3. Қуйидагилар Жамғарма маблағларидан фойдаланишнинг асосий йўналишлари этиб белгилансин:

Тошкент вилояти инфратузилмасини яхшилаш, унинг ҳудудларини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, маҳаллий ички йўлларни таъмирлаш;

кўп қаватли турар жойларнинг умумфойдаланиладиган қисмини таъмирлаш, болалар ва спорт майдончаларини барпо этиш;

Тошкент вилоятида кенг кўламли бунёдкорлик ишларини амалга оширишда давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ер участкаларининг олиб қўйилиши муносабати билан жисмоний ва юридик шахсларга компенсация тўлаш ва улар учун кўп квартираларни қуриш;


кам таъминланган ва ёш оилаларга имтиёзли кредитлар олишда бошланғич бадални қисман ёки тўлиқ қоплаб бериш ҳамда маиший техника воситаларига бўлган бирламчи эҳтиёжни кондириш;

махалла фуқаролар йиғинлари моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, маҳаллалар ҳудудида кутубхоналар ташкил этиш ҳамда уларни бадиий ва бошқа адабиётлар билан бойитиш.

4. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – молия вазири Ж.А. Қўчқоров Тошкент вилояти ҳокимлиги билан биргаликда икки ой муддатда Жамғарманинг молиявий манбаларини кенгайтириш юзасидан таклифлар ишлаб чиксин.

5. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари – “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ бошқаруви раиси А.Ж. Раматов, Бош вазир ўринбосари – молия вазири Ж.А. Қўчқоров ва Тошкент вилояти ҳокими вазифасини бажарувчи Ғ.И. Ибрагимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**



А. Арипов